

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЛХАЕВА БАРНОХОН ХАБИБИЛЛО ҚИЗИ

**ҚОРИН БЎШЛИҒИ АЪЗОЛАРИНИНГ ДИССЕМИНИРЛАШГАН
ЭХИНОКОККОЗИНИ ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШИНИНГ ТАКТИК-
ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Андижон – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдулхаева Барнохон Хабибилло кизи

Қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминирлашган эхинококкозини жарроҳлик даволашининг тактик-техник жиҳатларини оптималлаштириш..... 3

Абдулхаева Барнохон Хабибилло кизи

Оптимизация тактико-технических аспектов в хирургическом лечении диссеминированного эхинококкоза органов брюшной полости..... 24

Abdulkhaeva Barnokhon Khabibillo kizi

Optimization of tactical and technical aspects in the surgical treatment of disseminated echinococcosis of the abdominal organs..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 47

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

АБДУЛҲАЕВА БАРНОХОН ХАБИБУЛЛА ҚИЗИ

**ҚОРИН БЎШЛИҒИ АЪЗОЛАРИНИНГ ДИССЕМИНИРЛАШГАН
ЭХИНОКОККОЗИНИ ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШИНИНГ ТАКТИК-
ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/Tib2890 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ботиров Акрам Кодиралиевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хақимов Мурод Шавкатович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Нуриддинов Ориф Толипович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат стоматология институти

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50; e-mail: info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Атабеков кўчаси, 1. Тел/факс: (+99874) 223-94-50.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2024 йил «___» _____ даги рақами реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий жаражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Р. Абдуллажанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили 1 миллиондан ортиқ инсонлар эхинококкозга чалинадилар, 2015 йилда ушбу касаллик туфайли 19300 нафар инсонлар ҳаётдан кўз юмган. Эхинококкоз билан оғриган беморларни даволашга сарфланаётган ҳаражатлар, шунингдек ушбу ҳасталик томонидан чорвачиликка етказилаётган зарар миқдори бир неча миллиард долларни ташкил этади¹. Шунинг учун эхинококкоз мажозий маънода биринчи навбатда йўқ қилинишини талаб этадиган XXI асрнинг гельминтологик “саратони” деб ном олган. Бутун дунёда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам, эхинококкоз билан касалланиш ҳолатларнинг тийиқсиз ва танқидий ўсишини эътироф қилиш мумкин. Жарроҳлар учун таъқидлаш муҳимки, сўнгги 20 йилда жигар эхинококкозининг (ЖЭ) асоратланган ҳолатлари кўрсаткичлари жиддий равишда ошиб, улар 84,6% ташкил этади. Бундай тенденциянинг айрим сабаблари, булар, эндемик ҳудудлар аҳолисини, шу жумладан ривожланаётган мамлакатлардан ишчи кучларни миграциясини ўсиши, туризмни ривожланиши, санитария-эпидемиологик назорат ва диспансеризациянинг паст сифати. Эришилган ютуқларга қарамай, Осиё минтақасининг аксарият мамлакатлари учун эхинококкоз муаммоси ўлка миқёсидаги патология бўлиб, бу ерда касалланиш 1000 нафар аҳолига 10 ёки ундан ортиқ ҳолатларни ташкил этиб, барқарор ўсиш тенденцияси мавжуд. Эхинококкоз кистасини (ЭК) ёрилиши йирик диссеминацияга олиб келиб, 5,9%-дан 30%-гача ҳолатларда бир неча бор жарроҳлик даволашни талаб этади ва ташриҳдан кейинги 7-18%-га етадиган ўлимлар сони билан кечади. Эхинококкоз муаммосига кўплаб тадқиқотлар бағишланган бўлиб, аммо ватан ва ҳориж адабиётини таҳлили, такрорий (рецидивли), резидуал ва диссеминацияланган эхинококкоз тушунчаларини ҳар ҳил талқин қилинишини, шунингдек қорин бўшлиғи аъзолари диссеминацияланган эхинококкознинг (ДЭ) клиник таснифини мавжуд эмаслигини тасдиқлайди.

Жаҳон амалиётида ҳозирга вақтда эхинококкэктомиядан кейинги қолдиқ бўшлиқни даволаш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар энг долзарб бўлиб қолмоқда, *Echinococcus granulosus* га қарши *in vitro* ва *ex vivo* шароитларда полиамидоамин наноэмульсиясининг протосколицид таъсири ўрганилмоқда, эхинококкозни турли хил хирургик даволаш усулларининг натижаларини баҳолаш, шунингдек, очик жарроҳлик билан солиштирганда, ҳатто катта кисталар ва тарқалган эхинококкоз билан солиштирганда, лапароскопик усулни даволашда жигар гидатидозини даволаш имкониятини аниқлаш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда, холангиогидатидозни даволашда эндоскопик ретроград холангиопанкреатографиянинг роли ўрганилмоқда.

¹ <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/echinococcosis>

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришнинг ҳозирги боскичида профилактика, консерватив ва хирургик даволашнинг илғор технологияларини жорий этиш орқали қорин бўшлиғи аъзоларининг эхинококкозини даволаш натижаларини яхшилаш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Янги Ўзбекистонни 2022-2026 йилларда етти устувор йўналиш бўйича ривожлантириш стратегиясига аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш вазифалари киритилган². Ушбу вазифаларни амалга ошириш, жумладан, тактик-техник жиҳатларни оптималлаштириш орқали қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозини хирургик даволаш натижаларини такомиллаштириш ушбу патологиянинг юқори тиббий ва ижтимоий аҳамияти туфайли хирургиянинг ва умуман тиббиётнинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ-5254-сон «Хирургия хизматини трансморфация қилиш, худудларда жарроҳлик амалиётлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Айни пайтда бутун жаҳонда, ва хусусан Ўзбекистонда, ушбу касаллик эндемик характерга эга бўлган минтақаларни мавжудлиги билан ўлка миқёсидаги патология мақомини олган қорин бўшлиғи эхинококкозини жарроҳлик даволаш бўйича катта тажриба тўпланган (Каримов Ш.И., 2018; Назиров Ф.Г., 2022; Акилов Х.А., 2020; Хаджибаев А.М., 2020; Мусаев Г.Х., 2018; Азамов Ж.А., 2018). Аммо, сўнгги ўн йилликларнинг даврий адабиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, тадқиқотчилар томонидан қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозига етарлича эътиборини қаратмайдилар. Ватан ва хорижий олимларнинг тадқиқотларида диссеминацияланган эхинококкоз тушунчани ўзига нисбатан зиддиятлар ва чалкашликлар сақланиб келмоқда, унинг клиник таснифи мавжуд эмас, қолдиқ бўшлиғига сколексга қарши ишлов бериш масалалари ва диссеминацияни олдини олиш йўллари охиригача

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг. 28. 01 2022 йилдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси тўғрисида» ПҚ-60 сонли Фармони.

тадқиқ қилинмаган (Шамсиев Ж.А., 2017; Каниев Ш.А., 2018; Отакузиев А.З., 2018; ВОЗ, 2021). Эхинококкоз муаммосининг долзарблиги дунёнинг кўплаб мамлакатларида эхинококкоз билан касалланиш кўрсаткичларини тобора ўсиши билан боғлиқ. Ушбу туфайли замонавий жарроҳларни ташрихдан кейинги асоратларнинг катта сони, беморларнинг узок муддатли меҳнатга лаёқатсизлиги ва уларни ногиронланиши ҳавотирга солмоқда (Акбаров М.М., 2019; Алиев М.Ж., 2015; Нишанов Ф.Н., 2018; Taylor M.A., 2017; Aydin Y., 2018). Тиббий фан ва техника ривожланишининг замонавий босқичида қорин бўшлиғи аъзоларини диссеминацияланган зарарланишини диагностикаси мураккаб бўлиб, муҳим амалий аҳамиятга эгадир, чунки аниқ ташҳисни аниқланиши оқилона жарроҳлик амалиётини танлаш, ҳамда даволаш тактикаси ва бўлажак ташриҳ ҳажмини аниқлаш имкониятини беради. Кўп сонли абдоминал эхинококкозда мавжуд бўлган кисталарни мукамал аниқлашда ҳар хил усулларнинг самарадорлигини баҳолаш учун бир қатор муаллифлар, касалликни такрорланишини олдини олиш мақсадида ташриҳ пайтида қорин бўшлиғини пухталиқ билан ревизия қилиш лозимлигини таъкидлайдилар (Ахмедов И.Г., 2018; Мирходжаев И.А., 2021; Гаибов А.Д., 2022; Низамов Ф.О., 2022).

ЖЭ жарроҳлигида, аксарият ҳолларда жарроҳлик аралашув ўрнини ҳеч нарса боса олмайди (Нишанов Ф.Н., 2019; Курбанов К.М., 2017). Бироқ, кўп ҳолатларда жарроҳлик аралашувлар асоратларни ривожланиши билан кечадилар, бунинг сабаби, беморнинг ҳолати ва паразитар ўчоқларнинг кенг жойлашиши, бунда асосий ҳал қилинмаган масалалар паразит, фиброз капсуласи ва ташувчи органга нисбатан тактикани аниқлаш, ташриҳолди тайёргарлик ва ташрихдан кейинги парвариш ҳажмини белгилаш, шунингдек жарроҳлик аралашувнинг босқиччилиги ҳамда энг қулай қириш йўлини танлаш билан боғлиқ (Mogo P., 2019; Tarpeh K.N., 2021). Айни пайтда, диссеминацияланган эхинококкозда жарроҳлик тактика ва техникасини такомиллаштириш қатъий лозимлиги сақланиб турибди, бу эса кисталарни олиб ташлаш учун қолдириш билан боғлиқ, айниқса, частотаси 5,9 дан 30%гача бўлган, эхинококкозни такрорланишига ва диссеминациясига олиб келадиган юқори мураккаб ҳолатларда (Нишанов Ф.Н., 2015; Пахнов Д.В., 2017).

Адабиёт маълумотларини таҳлили шуни кўрсатдики, қорин бўшлиғи аъзоларининг эхинококкози муаммосига кўплаб тадқиқотлар бағишланиб, улар асосан этиопатогенез, диагностика, даволаш ва профилактиканинг айрим жиҳатларини ўрганишга қаратилган. Бироқ, жарроҳлар томонидан диссеминацияланган эхинококкозга етарли даражада эътибор қаратмаслиги туфайли уни жарроҳлик даволаш натижалари қониқарсиз деб ҳисобланади, ва буни мақсадга йўналтирилган тадқиқотларни ва, тегишлича, мета-таҳлилларни йўқлиги тасдиқлайди. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, рўй берган вазиятдан чиқиб кетиш йўлини, қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкоз тушунча таърифига аниқликни киритиш, унинг таснифини ва даволаш-диагностика алгоритминини ишлаб чиқиш, ҳамда

гепатопротекторларни қўллаш фонида ҚБ-га сколексга қарши комплекс ишлов бериш усулини такомиллаштириш орқали топиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси жарроҳлик тактикасини оптималлаш ва ушбу касалликни жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш имконини беради. Мазкур диссертация иши айнан ушбу масалаларни ечишга бағишланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозида хирургик даволашнинг тактик ва техник жиҳатларни оптималлаштириш орқали даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қорин бўшлиғи аъзоларининг “диссеминацияланган эхинококкози” тушунчасига таъриф бериш ҳамда касалликнинг янги таснифини ишлаб чиқиш;

қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкози ни жарроҳлик даволашни ретроспектив таҳлилдан ўтказиш ва диссеминация сабабларини ва частотасини аниқлаш;

қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозида гепатопротекторларни қўллаш фонида ҚБ-га сколексга қарши комплекс ишлов бериш усулини ишлаб чиқиш;

қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозида такомиллаштирилган тактик-техник жиҳатлар билан бирга жарроҳлик тактикасини оптималлаш имконини берадиган даволаш-диагностика алгоритминини жорий этиш;

қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозида оптималлаштирилган жарроҳлик тактикани қўллаш (асосий гуруҳ) ва анъанавий ёндашувларни (қийёслаш гуруҳи) қўллаб жарроҳлик даволашни қийёсий таҳлилинини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2011-2022 йилларда Андижон давлат тиббиёт институти Клиникасининг 3-жарроҳлик бўлимида қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкози туфайли ташрих ўтказилган 87 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозининг хирургик даволашнинг оптималлаштирилган тактик ва техник жиҳатлари самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва белгиланган вазифаларни ҳал қилиш учун умумий клиник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари тадқиқот қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қорин бўшлиғи аъзоларининг “диссеминацияланган эхинококкози” тушунчасига аниқлик киритилган;

қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозини хирургик даволаш ёндашувларини тизимлаштириш имконини берувчи янги тасниф таклиф этилган;

қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозининг структураси, учраш частотаси ва энг муҳим сабаблари аниқланган;

қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозида гепатопротекторларни қўллаш фонида қолдиқ бўшлиққа сколексларга қарши янги комплекс ишлов бериш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкози тушунчасига таъриф берилиши ҳамда ишлаб чиқилган таснифни клиник қўлланилиши диагностикани осонлаштириш, сурункали равишда тараққийлашаётган ва парагидатидозли асоратларни ўз вақтида аниқлаш, ЭК-нинг сифат параметрларини якка тартибда баҳолаш, шунингдек касалликнинг барча аломатларини акс эттириш имконини яратиб, буларнинг ҳаммаси жарроҳлик тактикасини оптималлашга ёрдам берган;

қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозида гепатопротекторларни қўллаш фонида ҚБ-га сколексга қарши ишлаб чиқилган янги комплекс ишлов бериш усули касалликни қўзғатувчисининг муртак элементларига энг самарали таъсир қилиши билан бирга инсон организмига энг кам токсик таъсири ва минимал даражадаги ножўя кўринишлар билан кечиши аниқланган;

жорий этилган даволаш-диагностик алгоритм, такомиллаштирилган тактик-техник жиҳатлар билан биргаликда қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ-да жарроҳлик тактикасини оптималлаш имконини бериши асослаб берилган;

қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ-да таклиф этилган жарроҳлик тактикаси ташриҳдан кейинги ўзига хос асоратлар частотасини жиддий камайтириши ва узоқ натижаларни яхшилаш имконини бериши исботланган.

ташриҳдан аввалги даврда ташриҳ учун кириш йўлини танлаш, ҚБ-га ишлов бериш ва уни йўқ қилиш, ташриҳдан кейин парваришлаш юзасидан комплекс чораларни кўриш бўйича даволаш-диагностика алгоритми жорий этилиб, қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ-да жарроҳлик тактикасини оптималлаш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, ташҳислаш ва даволашнинг замонавий усуллари, услубий ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўлланилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, таърифнинг ўзига аниқлик киритиш, таснифни ишлаб чиқиш, қорин бўшлиғи аъзоларининг тарқалган эхинококкози ҳақидаги тушунчани кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшишига,

гепатопротекторларни қўллаш фонида қолдиқ бўшлиқни комплекс антисколекс даволашни жорий этишга, шунингдек, тактикани оптималлаштириш ва тезкор ва узоқ муддатли натижаларни яхшиловчи такомиллаштирилган тактик ва техник жиҳатлар билан биргаликда такомиллаштирилган даволаш ва диагностика алгоритмини ишлаб чиқишга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган тадқиқотлар қорин бўшлиғи аъзоларининг тарқалган эхинококкозида оптималлаштирилган жарроҳлик тактикасининг юқори самарадорлигини кўрсатишга, таснифнинг таърифи ва клиник қўлланилишига аниқлик киритишга, шунингдек, гепатопротекторларни қўллаш фонида қолдиқ бўшлиқни янги комплекс антисколекс даволашга, такомиллаштирилган тактик ва техник жиҳатлар билан биргаликда даволаш-диагностик алгоритм жорий этишга, бу эса қорин бўшлиғи аъзоларининг тарқалган эхинококкозини хирургик даволаш натижаларини сезиларли даражада яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2024 йил 29 апрелдаги 06/18-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Андижон давлат тиббиёт институти экспертлар кенгаши томонидан 2023 йил 30 ноябрдаги 61-27/х-сон маълумотномаси расмийлаштирилган):

биринчи илмий янгилик: қорин бўшлиғи аъзоларининг “диссеминацияланган эхинококкози” тушунчасига аниқлик киритилганлиги Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 2023 йил 26 октябрдаги 48-сонли буйруқ билан, Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 2023 йил 24 октябрдаги 296-сонли буйруқ билан ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 2023 йил 26 октябрдаги 83-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозини таърифига аниқлик киритиш орқали қорин бўшлиғи аъзоларида эхинококкоз касаллигининг тарқалишининг аниқ кўринишига эришилади, ташхис қўйиш, сурункали прогрессив ва парагидатидоз асоратларни ўз вақтида аниқлаш соддалаштиришга имкон беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозида даволаш натижаларини яхшилаш ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик муддатини қисқартириш ушбу усулнинг самарадорлигини баҳолашга имкон беради. Даволашнинг янги усулларини жорий этишда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини қисқартиришнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш: $E_v = (90 - 30) \times (26923,1 + 13333,4) \times 40 - 0,15 \times 171938400 = 24178100$. Хулоса: қорин бўшлиғи аъзоларининг “диссеминацияланган эхинококкози” тушунчасига аниқлик киритиш операциядан олдинги тайёргарлик, операция киришни танлаш, қорин

бўшлиғи аъзолари диссеминациялашган эхинококкозида жарроҳлик тактикасини оптималлаштиришга имкон беради. Натижада 241 178 100 сўм тежалишига имкон беради.

иккинчи илмий янгилик: қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозини хирургик даволаш ёндашувларини тизимлаштириш имконини берувчи янги тасниф таклиф этилганлиги Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 2023 йил 26 октябрдаги 48-сонли буйруқ билан, Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 2023 йил 24 октябрдаги 296-сонли буйруқ билан ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 2023 йил 26 октябрдаги 83-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозини таснифлаш орқали қорин бўшлиғи аъзоларида эхинококкоз касаллигининг тарқалишининг аниқ кўринишига эришилади, ташхис қўйиш ва эхинококк кисталарини локализациясига қараб индивидуал киришни танлаш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Ишлаб чиқилган қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозини хирургик даволаш ёндашувларини тизимлаштириш имконини берувчи янги таснифдан фойдаланиш ва эхинококк кисталарни "бирламчи" ва "иккиламчи" турларига аниқлик киритиш орқали, шу билан биргаликда эхинококк кисталарини локализациясига қараб индивидуал киришни танлашдан тўғридан-тўғри эхинококкэктомия билан боғлиқ асоратларни 34,1 дан 6,5% гача камайтиришга ва асоратларсиз беморлар сонини 65,9% дан 93,5% гача ошириш; яхши натижаларни 22,0 дан 79,4% гача ошириш; қониқарли натижалар сонини 29,3 дан 13,0% гача ва ёмон натижаларни 26,8 дан 4,3% гача камайтириш имконини берди.

Янги даволаш усулини жорий этишда ногиронликни камайтиришнинг иқтисодий таъсирини ҳисоблаш:

$$[(9826931+4800000)*(1-0,2)*40\%-10\%*0,6] *40$$

$$E_{инв} = \frac{[(9826931+4800000)*(1-0,2)*40\%-10\%*0,6] *40}{-0,15*11626000} = 138874635$$

Хулоса: қорин бўшлиғи аъзолари диссеминацияланган эхинококкозида ишлаб чиқилган таснифдан фойдаланиш орқали жарроҳлик тактикасини оптималлаштиришга имкон беради ва касалликнинг қайталанишини 24,6% га кескин камайтириш орқали бюджет маблағларидан 138874635 сўмни иқтисод қилишга имкон беради.

учинчи илмий янгилик: қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозининг структураси, учраш частотаси ва энг муҳим сабаблари аниқланганлиги Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 2023 йил 26 октябрдаги 48-сонли буйруқ билан, Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 2023 йил 24 октябрдаги 296-сонли буйруқ билан ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 2023 йил 26 октябрдаги 83-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қорин

бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозининг структураси, учраш частотаси ва энг муҳим сабаблари аниқлаш жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш ташрихдан кейинги ўзига ҳос асоратлар частотасини камайтириши ва узоқ натижаларни яхшилаш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қорин бўшлиғи аъзолари диссеминацияланган эхинококкозида оптималлаштирилган жарроҳлик тактикасини тадбиқ этиш натижасида иқтисодий самарадорлик:

$$1. \text{ Ногиронликни камайтиришдан - } \\ [(9826931+4800000)*(1-0,2)*40\%-10\%*0,6] *40 \\ E_{\text{инв}} = \frac{\quad}{\quad} - 0,15*11626000 = \\ 138874635$$

$$2. \text{ Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини } \\ \text{қискартиришдан -} \\ E_{\text{в}} = (90-30) \times (26923,1+13333,4) \times 40 - 0,15 \times 171938400 = 24178100$$

Хулоса: клиник таснифни ҳисобга олган ҳолда, қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозининг структураси, учраш частотаси ва энг муҳим сабабларини аниқлаш, диссеминацияланган эхинококкоз учун жарроҳлик тактикасини оптималлаштиришдан 40 бемор мисолида меҳнатга лаёқатлилиқни вақтинча йўқотишдан 241 178 100 сўмни тежашга, шунингдек ногиронликни камайтиришдан 138 874 635 сўмни тежашга имкон беради.

тўртинчи илмий янгилик: қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозида гепатопротекторларни қўллаш фониди қолдиқ бўшлиққа сколексларга қарши ишлаб чиқилган янги комплекс ишлов бериш усули Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 2023 йил 26 октябрдаги 48-сонли буйруқ билан, Наманган вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 2023 йил 24 октябрдаги 296-сонли буйруқ билан ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида 2023 йил 26 октябрдаги 83-сонли буйруқ билан амалиётга жорий этилган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкозининг структураси, учраш частотаси ва энг муҳим сабаблари аниқлаш жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш ташрихдан кейинги ўзига ҳос асоратлар частотасини камайтириши ва узоқ натижаларни яхшилаш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: сколексларга қарши ишлаб чиқилган янги комплекс ишлов бериш усулини тадбиқ этиш натижасида умумий характердаги асоратлар частотасини 9,7дан 2,2% гача, эхинококкэктомия билан боғлиқ бўлган асоратлар частотасини 34,1 дан 6,5% гача камайтириш, ҳамда аъло ва яхши натижалар частотасини 22,0 дан 79,4% гача ошириш имконини беради. Хулоса: ишлаб чиқилган янги комплекс ишлов бериш усулини тадбиқ этиш натижасида 40 нафар бемор мисолида меҳнатга лаёқатлилиқни вақтинча йўқотишдан 241 178 100 сўмни тежашга, шунингдек ногиронликни камайтиришдан 138 874 635 сўмни тежашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** диссертация ишининг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодалаб берилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти келтирилган, иш натижаларини пробацияси ва эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **«Қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ эпидемиологияси, таснифи, диагностикаси, даволаш ва профилактикаси масалалари (адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи бобида 3-та кичик боблардан иборат бўлган адабиётлар шарҳи тақдим этилиб, бу ерда қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ эпидемиологияси, этиопатогенези, диагностикаси ва даволашнинг замонавий ҳолати, шунингдек тасниф ҳамда ҚБ-га паразитларга қарши ишлов беришнинг муаммолари акс эттирилган. Ушбу бобнинг хулоса қисмида мазкур тадқиқот учун асос солган, охиригача ечилмай қолган масалалар доираси белгиланган.

Диссертациянинг **«Материалнинг клиник тавсифи ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобда турли жойларда жойлашган эхинококкозни даволаш бўйича 714-та ҳолатлар тажрибаси келтирилган, шу жумладан, 2 шартли гуруҳларга ажратилган қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ билан 87-нафар беморларни даволаш натижалари кўрсатилган.

- қиёслаш гуруҳини– 41-нафар (47,1%) беморлар ташкил қилиб, улар 2011 йилдан 2017 йилга қадарги даврда “анъанавий” ёндашувлар орқали жарроҳлик даволанган (ретроспектив тадқиқот).

- асосий гуруҳ – 46-нафар (52,9%) беморлардан иборат бўлиб, уларга 2018-2022 й.й. даврда оптималлаштирилган жарроҳлик тактика қўлланган ҳолда жарроҳлик даволаш ўтказилган (проспектив тадқиқот).

Адабиётлардан олинган маълумотлар, эхинококкознинг асоратланган шакллари, ва хусусан қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ атамашунослигида уларнинг моҳияти ва принципиал фарқларини очиб беришдаги зиддиятлар ва чалкашликларни мавжудлигини тасдиқлайди.

Қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ тушунчасига аниқликни киритилиши ва унинг таснифини ишлаб чиқилиши жарроҳларнинг хушёрлигини оширади

ҳамда жарроҳлик тактикасини оптималлаштиради. Назиров Ф.Г. (2005), Шевченко Ю.Л. ва Назиров Ф.Г. (2016), Gharbi H. (1981)], Гулов М.К. ва ҳаммуаллифлари (2016), Токсанбаев Д.С. ва ҳаммуаллифлари (2015), Мусаев Г.Х. ва ҳаммуаллифлари (2017), Дейнека И.Я. с соавт. (1968), Глумов В.Я. ва ҳаммуаллифлари (1980), Гилевич М.Ю. ва ҳаммуаллифлари (2004), Нишанов Ф.Н. ва ҳаммуаллифлари (2011), Исмаилов Д.А. ва ҳаммуаллифлари (2008), Вафин А.З. ва ҳаммуаллифлари (2000), Мусаев Г.Х. ва ҳаммуаллифлари (2017) муаллифлик қилган патентланган адабиётлардан олинган бир қатор таснифлар ўрганилган. Ўтказилган таҳлил натижасида, юқорида кўрсатилган таснифлар қуйидаги камчиликларга эга бўлганлиги аниқланди:

- Gharbi (Schipper H.G., 2002) бўйича фақатгина 1 ва 2 турдаги ЭК-да қўлланиладилар:

- диссеминация мумкинлиги истисно қилинмайди;

- ЭК сифат кўрсаткичларига баҳо берилмаган. Бу нарса даволаш ва реабилитациянинг муайян босқичларида таъсирнинг муайян турларини самарали қўллаш имконини берар эди.

Прототип танқиди. Кўрсатилган таснифларнинг барчаси ЭК мавжудлигини аниқлаш, унинг маҳаллий топографик тавсифларини белгилашга йўналтирилган, аммо улар доимо ҳам ЭК сифат параметрларини аниқлаш учун етарли бўлмайди.

Шундай қилиб, биз томонимиздан таклиф қилинаётган таснифнинг **мақсади**, клиник амалиётида қўлланилиши мумкин бўлган қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ-ни даволаш кетма-кетлигини ва тактикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Биз қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ тушунчасига аниқликни киритдик. *Қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ, бу* – касаллик асоратининг энг оғир шакли бўлиб, у паразитнинг муртак элементлари томонидан ташувчи орган (аксарият ҳолларда жигар) ва қорин бўшлиғи аъзоларини бирламчи, иккиламчи ёки учламчи уруғланиши, шунингдек учтадан кўп кисталар билан ифодаланади.

Бирламчи диссеминацияланган шакл - бемор касалхонага олиб келинган пайтида бирламчи текширув пайтида аниқланган ЖЭ ва қорин бўшлиғи аъзоларининг тарқалган уруғланиши. Аксарият ҳолатларда паразитар кистани ёрилиши ва қорин бўшлиғини уруғланиши туфайли ривожланади.

Иккиламчи диссеминацияланган эхинококкоз - эхинококкэктомия ташриҳидан кейинги жигар ва қорин бўшлиғи аъзоларининг иккиламчи уруғланиши.

Учламчи диссеминацияланган эхинококкоз - эхинококкэктомия ташриҳидан кейинги жигар ва қорин бўшлиғи аъзоларининг учламчи уруғланиши [Нишанов Ф.Н., 2015].

Қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкоз таснифи (AA2043725 , 19.06.2023 й.).

I. Патогенетик принципи бўйича:

1) Бирламчи диссеминацияланган (бемор касалхонага олиб келинган пайтида бирламчи текширув пайтида аниқланган ЖЭ ва қорин бўшлиғи аъзоларини тарқалган зарарланиши - D1);

2) Иккиламчи диссеминацияланган (қорин бўшлиғи аъзоларини аввал ўтказилган дастлабки эхинококкэктомиядан кейинги иккиламчи зарарланиши (аъзолар, шу жумладан жигар ҳам, санаб ўтилади - D2);

3) Учламчи диссеминацияланган (қорин бўшлиғи аъзоларини аввал ўтказилган иккинчи эхинококкэктомиядан кейинги учламчи зарарланиши (аъзолар, шу жумладан жигар ҳам, санаб ўтилади - D3).

II. ЭК сони бўйича (NC - number of cysts):

NC2 – 2-та киста; NC3 – 3-та киста; NC4 – 4-та киста; NC5 – кўп сонли кисталар (4 дан 10-20 гача кисталар).

III. Катталиги бўйича (SC -Size of cysts):

майда(5 см гача –SC1); ўртача (10 см гача - SC2); йирик (10 см дан катта - SC3).

IV. Шакли бўйича (Form):

-маҳаллий – (қорин бўшлиғининг битта аъзоси ёки битта анатомик соҳасининг кўп сонли зарарланиши– LF local form);

-тарқалган - (ЭК-лар бир биридан узоклашган, қорин бўшлиғининг 2-3-та анатомик соҳаларида аниқланадилар CF common form);

-генераллашган - (қорин бўшлиғи ва унинг аъзоларининг умумий зарарланиши, кўп ҳолатларда бошқа анатомик соҳалар ёки бўшлиқларнинг тўқималари ва аъзолари билан бириккан зарарланиши аниқланади– GF generalized form).

V. Кистани органдаги топографияси бўйича (T - cyst topography):

1) Капсула остидаги (SC); 2) Диафрагма остидаги (Sph); 3) Юзаки ёки периферик (Sp); 4) Орган ичидаги (IN).

VI. Диссеминацияланган кисталарни жойлашувининг хусусиятлари бўйича (L -localization of disseminated cysts):

жигарда (LL); талокда (LS); кичик чанок органларида ((LP); аралаш (LM).

VII. Асоратларни мавжудлиги бўйича (CU):

1) Асоратланмаган (U) - перипаразитар носпецифик гранулематоз; ўчоқли перипаразитар фиброз; фиброз капсулани кальцийланиши.

2) Асоратланган (C) – кистани йиринглаши; билиар йўлларга ўпирилиши билан диссеминация (1 тоифа – очик клиника билан, 2 тоифа – ўчган клиника билан, 3 тоифа - аломатларсиз); плевра бўшлиғига ўпирилиши билан диссеминация; қорин бўшлиғи аъзоларини қисилиши, жумладан, механик сариқ касаллик билан ўт йўлларини қисилиши; порталли гипертензия; кальцийсизланиш.

VIII. Касалликни клиник кечиши бўйича (Clinical course):

аломатларсиз босқич (AS); ифодаланган кўринишлар босқичи (PM); асоратлар босқичи (C).

Изоҳлар: I (D- dissemination); II (NC - **number of cysts**); III (SC -**Size of cysts**); IV - (**Form:** LF - local form; CF - common form; GF generalized form); V - (**T - cyst topography:** SC- subcapsular, Sph – subdiaphragmatic, Sp -surface, IN- intraorganic; VI - (**L -localization of disseminated cysts:** LL- localization in the liver, LS - localization in the spleen, LP - localization on the pelvic organs, LM - mixed localization; VII (**CU – uncomplicated, complicated**; VIII – (**clinical course:** AS - asymptomatic stage of initial, PM - pronounced manifestations, C – complicated.

Таклиф қилинган тасниф орқали қуйидагиларга эришилади:

- қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ ҳақида аниқлаштирилган тасаввур;
- диагностика осонлаштириш, сурунқали равишда тараққийлашаётган ва парагидатидозли асоратларни ўз вақтида аниқлаш;
- ЭК сифат параметрларини яқка тартибда баҳолаш;
- ташриҳ соҳасида иккиламчи кисталарни ҳосил бўлишини истисно қилиш;
- касалликнинг барча аломатларини акс эттириш умумий жарроҳлик тактикасини оптималлашга ёрдам беради;
- тиббий ҳужжатларнинг ҳисоб-ҳисобот шакллари сифатида қўлланилиши мумкин.

Таққосланаётган гуруҳларда эркак жинсли беморлар устун келган: қиёслаш гуруҳида эркак беморлар 24-нафар (58,5%), аёллар эса– 17-нафарни, асосий гуруҳда эса, тегишлича– 33 (71,7%) ва 13 (28,3%) ташкил қилган. Умуман олганида, қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ-билан касалланиш ҳолатлари эркакларда– 57 (65,5%), айларда эса– 30 (34,5%) ташкил қилган, яъни, нисбат 1:1,9 – ($p < 0,001$) ташкил қилган. 36 ҳолатларда (41,4%) касаллик 19-44 ёшли беморларда ташҳисланган, 30 ҳолатларда (34,5%) –45-59 ёшда, ва 21 ҳолатларда (24,1%)– 60-дан катта, яъни, кекса ёшда аниқланган.

Шундай қилиб, қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ-билан ташриҳ қилинган беморларнинг асосий контингенти энг меҳнатга лаёқатли ёшда бўлган шахслардан иборат бўлди 66 (75,9%), ва бу нарса мазкур муаммонинг қатъий долзарблигини белгилайди. 21 ҳолатларда (24,1%) касалликни кекса ёшда ташҳисланиши муаммонинг ижтимоий аҳамиятини тасдиқлайди.

ЭК тарқалганлиги ва жойлашуви характерини таҳлили бизга қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ учта шаклини аниқлаш имконини берди (маҳаллий; тарқалган; генераллашган).

Умуман олганида, қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ-нинг маҳаллий шакли 29 (33,3%) ҳолатларда учраб, бу ерда кўпинча жигар зарарланган– 15 (17,2%). Касалликнинг тарқалган шакли 34 (39,1%) ҳолатларда қайд этилиб, аксарият ҳолларда жигар+талоқ+кичик чаноқ зарарланган– 11 (12,6%). Ва генераллашган шакл 24 (27,6%) ҳолатларда учраб, бу ерда кўпроқ жигар+катта сальник+кичик чаноқ+қорин орқасидаги бўшлиқ зарар кўрган– 10 (11,5%), яъни, қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ-нинг барча шаклларида асосий ташувчи орган сифатида жигар бўлган.

Кўринганидек қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ-да 2-та кисталарни мавжудлиги қиёслаш гуруҳида фақат 7-нафар (17,1%), ва асосий гуруҳда– 9-нафар (19,6%) беморларда аниқланди. Аксарият ҳолатларда 3 – 4 – 5 ва ундан ортиқ ЭК-лар ташҳисланиб, бу кўрсаткич, тегишлича, 34 (82,9%) ва 37 (80,4%) ташкил қилди ($p < 0,01$). Энг кўп қайд этилган ЭК катталиклари 6-10 доирасида бўлган: қиёслаш гуруҳида 20-нафар (48,8%) ва асосий гуруҳда 19-нафар (41,3%) беморларда.

Диаметри 11-20 см ва ундан катта бўлган ЭК-ларни ташҳислаш муҳимроқ кўринадиди, ва ушбу кўрсаткич қиёслаш гуруҳида 10-нафар (24,4%) ва асосий гуруҳда 17-нафар (37,0%) беморларда қайд этилиб, жарроҳлик даволашда бошланғич фонини олдиндан жиддийлаштиради. Диаметри 5 см гача бўлган ЭК-лар қиёслаш гуруҳида 11-нафар (26,8%) ва асосий гуруҳда 10-нафар (21,6%) беморларда ташҳисланиб, ушбу касаллик диагностикасини ўтказишда алоҳида ҳушёрликни талаб этади. Касалликнинг асоратсиз кечиши қиёслаш гуруҳида 31-нафар (75,6%), асосий гуруҳда эса 22-нафар (47,8%) беморларда ташҳисланган. Шу билан бирга қиёслаш гуруҳида 10-нафар (24,4%) ва асосий гуруҳда 24-нафар (52,2%) касалликнинг асоратланган шакли қайд этилиб, бу нарса ушбу шаклнинг ўсиш тенденциясини тасдиқлайди (1-жадвал).

1-жадвал

Қорин бўшлиғи аъзоларини ДЭ билан зарарланиш тавсифи

| ЭК жойлашуви ва характери | Беморлар гуруҳлари | | | |
|--|--------------------|------|--------|------|
| | қиёслаш | | асосий | |
| | абс | % | абс | % |
| Эхинококкли кисталар сони (NC) | | | | |
| 2-та киста | 7 | 17,1 | 9 | 19,6 |
| 3-та киста | 13 | 31,7 | 14 | 30,4 |
| 4-та киста | 11 | 26,8 | 12 | 26,1 |
| 5-та ва ундан ортиқ кисталар | 10 | 24,4 | 11 | 23,9 |
| Жами: | 41 | 100 | 46 | 100 |
| Эхинококкли кисталар катталиги (SC) | | | | |
| 5 см (майда) | 11 | 26,8 | 10 | 21,7 |
| 6-10 см (ўртача) | 20 | 48,8 | 19 | 41,3 |
| 11-20 см (йирик) | 8 | 19,5 | 12 | 26,1 |
| 21 см катта (улкан) | 2 | 4,9 | 5 | 10,9 |
| Жами: | 41 | 100 | 46 | 100 |
| Асоратларнинг мавжудлиги (CU) | | | | |
| Асоратланмаган | 31 | 75,6 | 22 | 47,8 |
| Асоратланган | 10 | 24,4 | 24 | 52,2 |
| Жами: | 41 | 100 | 46 | 100 |

Кўриниб турганидек, қиёслаш гуруҳида бирламчи ДЭ 20-нафар (48,8%) беморлар, иккиламчи ДЭ 10-нафар (24,4%), ва учламчи ДЭ 11-нафар (26,8%)

беморларда ташҳисланган. Асосий гуруҳда бирламчи диссеминацияланган эхинококкоз 22-нафар (47,8%), иккиламчи диссеминацияланган 11-нафар (23,9%), ва учламчи диссеминацияланган 13-нафар (28,3%) беморларда қайд этилган. Учламчи диссеминациянинг юқори частотаси огоҳликка чақиради, чунки қиёслаш гуруҳида у 11-нафар (26,8%) ва асосий гуруҳда 13-нафар (28,3%) беморларда учраб, барча ҳолатларнинг $\frac{1}{4}$ қисмини ташкил қилган ($p < 0,01$) (2-жадвал).

2-жадвал

Диссеминациялар миқдори бўйича тақсимот

| Гуруҳлар | Диссеминациялар миқдори (D) | | | | | | Жами | |
|----------|-----------------------------|------|--------------|------|------------|------|------|-----|
| | бирламчи D1 | | иккиламчи D2 | | учламчи D3 | | | |
| | абс | % | абс | % | абс | % | абс | % |
| Қиёслаш | 20 | 48,8 | 10 | 24,4 | 11 | 26,8 | 41 | 100 |
| Асосий | 22 | 47,8 | 11 | 23,9 | 13 | 28,3 | 46 | 100 |

Қиёслаш гуруҳида қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ ташҳиси дастлабки 6 ой ичида 16 ҳолатларда (39,0%) ва асосий гуруҳда 25 ҳолатларда (54,4%) қўйилган. 6 ойдан 2 йилгача муддатда 16 (39,0%) ва 17 (37,0%) ҳолатларда ташҳисланган. Қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ билан беморлар 3-4 ёки ундан кўпроқ вақт давомида азоб чекишни давом этган ҳолатлар ташвишни ўйғотади, улар, тегишлича, 9 (22,0%) ва 4 (8,7%) ҳолатларда учраган. Аммо кечиктирилган диагностика ва жарроҳлик даволаш билан беморлар сонини камайишига очик тенденция кузатилмоқда.

ДЭ клиникаси кўпроқ асоратларнинг кейинги тараққийлашиши билан тавсифланган. Умумий ҳолсизлик ва қувватсизлик 68-нафар (78,2%) беморларда ташҳисланган, оғриқ синдроми ва оғирлик ҳисси 41-нафар (47,1%), тана ҳароратини кўтарилиши 18-нафар (20,7%), сариқ касаллик 6-нафар (6,9%), ва гепатомегалия - 9 (10,3%) нафар беморларда қайд этилган. Ҳамроҳ терапевтик патология 16-нафар беморларда (18,4%) ташҳисланган, жумладан: юрак-томир тизими касалликлари – 5-нафар (5,7%), нафас олиш тизими – 3-нафар (3,4%), гепатобилиар тизими – 6-нафар (6,9%), сийдик-таносил тизими касалликлари 2-нафар (2,3%) беморларда кузатилган. Бириккан жарроҳлик патологиялар ҳам 16-нафар (18,4%) беморларда ташҳисланган. Фақатгина 55-нафар беморларда (63,2%) қорин бўшлиғи аъзоларининг диссеминацияланган эхинококкози ҳамроҳ терапевтик ва бириккан жарроҳлик патологияларсиз кечган.

Қиёслаш гуруҳида қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ-да жарроҳлик тактика. Қиёслаш гуруҳида ЭК диссеминациясининг маҳаллий шаклида (9) асосий ташувчи орган сифатида жигар бўлган (12,2%), 3-кисталиқ шаклда 2-та ҳолатда (4,9%), 4-кисталиқ шаклда 1 ҳолатда (2,4%) ва 5-кисталиқ шаклда 2 ҳолатда (4,9%). Тарқалган шаклда (20) кўпроқ жигар+талоқ+кичик чанок

диссеминацияси кузатилган (14,6%), 2-кисталиқ шаклда 2 ҳолат (4,9%), 3-талиқ шаклда – 1 ҳолат (2,4%), 4-талиқ – 2 ҳолат (4,9%) ва 5-кисталиқ шаклда – 1 ҳолат учраган (2,4%). Генераллашган шаклда (12) 29,1% ҳолатларда барча ички аъзоларни диссеминация билан зарарланиши кузатилган, 2-кисталиқ шаклда – 2 ҳолат (4,8%), 3-талиқ – 6 ҳолат (14,6%), 4-талиқ – 2 ҳолат (4,9%) ва 5-кисталиқ шаклда – 2 ҳолатда (4,8%) учраган.

Қорин бўшлиғи аъзоларининг ДЭ-да 8-нафар беморларга (19,5%) ёпик эхинококкэктомия бажарилди. Улардан 4-нафарида (9,8%) кисталар диаметри 5 см-га етган. 12-нафар (29,3%) беморларга ярим ёпик ЭЭ бажарилган. Улардан 4-нафарида (9,8%) кисталар диаметри 6–10 см тенг бўлган. Очик ЭЭ 10-нафар (24,4%) беморларда ўтказилган. Улардан 4-нафарида (9,8%) кисталар диаметри 11-20 см-гача етган. Комбинацияланган ЭЭ 11-нафар беморларда бажарилиб (27,6%), улардан 5-нафарида (12,2%) кисталар диаметри 6-10 см тенг бўлган (3-жадвал).

3-жадвал

Қиёслаш гуруҳида киста диаметрига қараб ташриҳ характери

| Ташриҳ усули | Кисталар диаметри (см) | | | | | | | | Жами | |
|------------------|------------------------|------|------|------|-------|------|-------------|------|------|------|
| | 5 | | 6-10 | | 11-20 | | 21 ва катта | | | |
| | абс | % | абс | % | абс | % | абс | % | абс | % |
| Ёпик ЭЭ | 4 | 9,8 | 3 | 7,3 | 1 | 2,4 | - | - | 8 | 19,5 |
| Ярим ёпик ЭЭ | 3 | 7,3 | 4 | 9,8 | 2 | 4,9 | 3 | 6,9 | 12 | 29,3 |
| Очик ЭЭ | 2 | 4,9 | 2 | 4,9 | 4 | 9,8 | 2 | 3,4 | 10 | 24,4 |
| Комбинацияланган | 4 | 9,8 | 5 | 12,2 | 2 | 4,9 | - | - | 11 | 26,8 |
| Жами | 13 | 31,7 | 14 | 34,1 | 9 | 22,0 | 5 | 10,3 | 41 | 100 |

Қиёслаш гуруҳида беморларни ташриҳдан аввал ва кейинги парваришлаш бузилган функцияларни тўғрилашга қаратилиб, абдоминал жарроҳлик беморларини парваришлашдан фарқланмаган.

Жарроҳлик кириш йўлини, ташриҳ ҳажмини, ҚБ-га ишлов бериш ва йўқ қилиш усулини танлашда аниқ кўрсатмаларни мавжуд бўлмаганлиги ташриҳдан кейинги асоратларни ривожланиши ва узоқ даврдаги қонқарсиз натижаларнинг сабабчиси бўлиб, бу нарса жарроҳлик тактикаси алгоритминини ишлаб чиқилишини, ҚБ-га ишлов бериш ва йўқ қилишнинг янада самаралироқ усулини танланишини, шунингдек ташриҳдан кейинги даврда йирнги асоратларни олдини олиш усулини белгиланишини тақозо этган.

Асосий гуруҳдаги жарроҳлик тактикаси. Қиёслаш гуруҳида аниқланган камчилик ва нуқсонлар, жарроҳлик тактикасини, ҳам ташриҳдан аввалги тайёргарлик ва ташриҳдан кейинги парваришлаш жиҳатидан, ҳам оптимал кириш йўлини, ташриҳ ҳажмини танлаш ва ташриҳ пайтида ҚБ-га ишлов бериш ва йўқ қилиш жиҳатидан қайта кўриб чиқиш заруратини туғдирган. Асосий гуруҳда, кимёвий терапияни ўтказиш пайтида сколецидди препаратларнинг токсик таъсири фонида жигар функцияларини яхшилаш мақсадида 400 гр инфузион эритмага Гепамерц 10 гр., аскорбин кислотаси 5%- 6,0 мл ва Актовегин 5,0 мл т/и қўлланилган.

